

Обидов Дониёрбек Наврузович,

Ургенчский государственный университет

Преподаватель кафедры «Музыкальное образование».

ЗНАЧЕНИЕ ХОРЕЗМСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ И ПЕСН В ОБРАЗОВАНИИ СТУДЕНТОВ

Аннотация: В статье представлена информация о влиянии, роли и важности хорезмских классических мелодий и песен в образовании учащихся.

Ключевые слова: классическая музыка, статус, образование.

Obidov Doniyorbek Navruzovich,

Urgench State University

Teacher of the department "Music Education"

THE IMPORTANCE OF KHOREZM CLASSICAL MUSIC AND SONGS IN THE EDUCATION OF STUDENTS

Annotation: This article provides information about the impact, role and importance of Khorezm classical melodies and songs in the education of students.

Keywords: classical music, status, education.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Олий таълим тизимида янги (Маданият ва санъатсоҳаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш, Чолғу ижрочилиги ва Вокал санъати) йўналишларни очилиши, жойларда бахши, мақом йўналиши бўйича ва рақс мактабларини ташкил қилиниши таълим соҳасидаги янги қадамлардан бири бўлмоқда. Миллий мусикий қадриятларимизнинг бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф қилинаётганлигини ўтмиш тарихимиз, бугунги ҳаётимизга берилган муносиб баҳо сифатида Шахрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияни, шунингдек Сурхондарёда “Бахши”, Хивада “Рақс” фестивалларини юқори савияда ўтказилганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатимизнинг маҳаллий услублари, асрий анъаналари, кадриятларга тобора юксак эътибор берилаётгани туфайли қайта тикланмоқда. “Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон калбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Хоразм мумтоз куй ва ашулалари асосида ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда миллий меросимизнинг халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, миллий маданият намуналарини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилишга йўналтирилган янги тарбия тизимининг амалга оширилиши таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлаш имконини берди.

Баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртма таълим муассасаларининг зиммасига ҳам муайян вазифаларни юкламоқда. Ана шундай вазифалардан бири Хоразм мумтоз куй ва ашулаларини ўргатиш, ўқувчиларга миллий мусиқий мерос, хусусан, миллий мусиқий анъаналар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар тўғрисида назарий маълумотлар бериш, Хоразм мумтоз куй ва ашулаларини ижро этиш лаёқатини ҳосил қилиш, ижрочилик малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Маълумки, ўзбек моделининг ўрта бўғини бўлмиш ўрта махсус, касб-хунар таълими ўн йилдан зиёд вақт мобайнида таълим тизимимизнинг ажралмас бўлаги сифатида қолаверди. 2017 йил йил якунида “кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди” – деган эди Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида [2]. Кейинчалик таълимий ҳужжатлар асосида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб барча вилоятлардаги коллежлар ҳам тугатилажаки эълон қилинди. Жумладан, муסיқа ва санъатга ихтисослашган коллежлар Ихтисослаштирилган санъат мактабларига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги № 9 сон “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори бу борада олдинга ташланган катта қадам бўлди.

Қадимий созпарвар юрт бўлган Хоразмда мумтоз куй ва ашулалари кейинги йилларда анча мукаммал кўриниш ола бошлади. Миллий муסיқа санъатимиз ютуқларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича қатор имкониятлар яратилди. Хусусан, вилоятларда филармония жамоалари, маданият ва санъат масканлари нуманавий кўринишдаги мақом жамоалари ва мақом марказлари ташкил этилди. Истеъдодли ёшларга мумтоз муסיкий меросимизни ўрганиш этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги № 9 сон “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 26

августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Миллий мумтоз санъатимиз тарихини ўрганишда Хоразмда мавжуд бўлган санъат турларидан Бахшичилик, Мақомчилик ва Халфачилик санъатлари алоҳида ўрин тутди. Ўтган асрнинг 30-чи йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан, миллий мусиқий кадриятларимизнинг йўллари тўсилиб, улар билан боғлиқ атамалар кескин равишда истеъмолдан чиқарила бошланган.

Хоразмда мусиқий ижрочилик тараққиётида сақланиб келинаётган удумлар бешта асосий йўналишда кўриш мумкин. Хоразм мусиқий тараққиётида урф этилган мақом йўллари, халфа йўллари ва маъмулий куй ва ашулалар йўлларида рақс санъати кенг тарқалган.

Хоразм мумтоз куй ва ашулалари асосида ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларини миллий ва ахлоқий тарбиялаш бекиёсдир. Хоразм мумтоз куй ва ашулалари халқнинг ижтимоий–тарихий ривожланиши, ҳаётий тарихий тажрибаси, шахсга таълим ва тарбия бериш анъаналари асосида шаклланган бўлиб, асрлар давомида тарихий ворислик тамойилига мувофиқ авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Хоразм мумтоз куй ва ашулаларидаги ўзаро уйғунлашган сўз ва оҳангнинг таъсир кучи, унинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда бекиёсдир. Улар ёрдамида ифода этилган ўғит, панд–насиҳат шахс томонидан тез қабул қилинади. Ушбу ҳолат шахснинг психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда кечади. Мусиқий оҳангни англаш, мусиқий асарлар мазмунини тушуниш шахс эстетик ҳис–туйғуларини тарбиялаш, ижтимоий борлиққа нисбатан масъулиятли ёндашув кўникмаларини ҳосил қилади. Хусусан, мусиқа ўқитувчиларининг Хоразм мумтоз куй ва ашулаларининг туб моҳиятини чуқур англай олишлари, шунингдек, ижро этилувчи: Суворалар, Феруз

туркуми, панд-насихат ашулалардан намуна кўрсатиш асосида ижро этиб бериш, уларнинг ижро этиш усуллари хусусида таълим олувчиларга услубий йўл-йўриқ кўрсатиш имкониятига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Хоразм мумтоз куй ва ашулаларини ўргатишда мусикий анъаналарнинг мазмунини чуқур ўрганиш, уларнинг имкониятларидан таълим-тарбия, шу жумладан, ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида самарали фойдаланиш методикада тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолардан биридир.

Хулоса қиладиган бўлсак, ёшлар ўртасида Хоразм мумтоз куй ва ашулаларининг тарбиявий аҳамияти муаммосини ўргатиш тизимини аниқлаш лозим. Ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда Хоразм мумтоз куй ва ашулаларини ўргатишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиб, уни ўргатишга йўналтирилган фаолиятнинг энг мақбул шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Хоразм мумтоз куй ва ашулаларини ўргатиш жараёни муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи илмий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

References used

1. Ш.Мирзиёев Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган санъат. Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2018. 7 сентябрь. №185 (7143) – Б.1.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Хоразм ҳақиқати газетаси. 2017 йил, 23 декабр №№102-103 сони.